

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

648 Автовокзал (автостанция) паспортини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Автовокзал (автостанция) паспортини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги:

ушбу қарор кучга киргунга қадар автовокзал (автостанция) паспортини олган тадбиркорлик субъектларига 2014 йил 1 ноябргача бўлган муддатда

мазкур қарор талабларига мувофиқ янги намунадаги автовокзал (автостанция) паспортини берсин;

бир ҳафта муддатда амалдаги паспортларни янги намунадаги автовокзал (автостанция) паспортига алмаштириш жадвалини тасдиқласин;

янги намунадаги автовокзал (автостанция) паспортини беришда бюрократизм, сансалорлик ҳолатларига йўл қўйилмаслигига ва уларни бериш муддатлари чўзиб юборилмаслигига эътибор берсин;

ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тадбирлари ташкил этилишини ва амалга оширилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

тадбиркорлик субъектларининг ушбу қарор кучга киргунга қадар олинган автовокзал (автостанция) паспортда назарда тутилган фаолияти мазкур қарор талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак;

ушбу қарор 2-бандининг иккинчи хат бошида назарда тутилган муддат тугагандан кейин мазкур қарор кучга киргунга қадар берилган автовокзал (автостанция) паспортлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 5 декабрь,
320-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 5 декабрдаги 320-сон қарорига
ИЛОВА

Автовокзал (автостанция) паспортини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом автовокзал (автостанция) фаолиятини амалга ошириш учун автовокзал (автостанция) паспортини (кейинги ўринларда паспорт деб аталади) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

автовокзал (автостанция) — транспорт-экспедиция, ташиш фаолиятини амалга оширадиган ва йўловчиларга бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилот;

маданий-маиший ва санитария-гигиена иншоотлари — кафе, буфет, сартарошхона, пойафзал таъмирлаш пункти, пардоз хоналари, душ-хоналар, дам олиш учун мебеллар билан жиҳозланган хоналар ва шу каби-лар;

лицензия карточкаси — йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган муайян автотранспорт воситасига белгиланган тартибда лицензиялаш органи томонидан бериладиган автотранспорт воситалари билан йўловчилар ташишни амалга ошириш (хуқуқи) учун рухсатнома;

рейслар оралигидаги бўш туриб қолиш — шаҳарлараро ташувларни бажарувчи автотранспорт воситасининг рейслар оралигида автовокзал (автостанция)да туриш вақти;

перрон — автобусларни қабул қилиш ва жўнатиш, йўловчиларни автобуга хавфсиз чиқариш ва ундан тушириш учун мўлжалланган иншоот;

ишлаб чиқариш хоналари — диспетчерлик хоналари, йўловчиларни кўрикдан ўтказиш хоналари, кассалар зали (чипта кассалари), қўл юкини сақлаш камералари, йўловчилар хавфсизлигини таъминлашни мониторинглар орқали кузатиш учун технологик анжомларга эга бўлган хоналар, тиббиёт ва милиция ходимларининг хизмат хоналари ва шу каби-лар;

иш режими — автовокзал (автостанция)лар учун автобуслар ҳаракати жадвалидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган иш кунининг бошланиш ва тугаш вақти;

автовокзал (автостанция) ишларининг технологик жараёни — автовокзал (автостанция) хизматлари ишларини ташкил этиш жараёни, автобусларни қабул қилиш ва жўнатиш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳар суткада бажариладиган операцияларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мунтазамлилиги.

3. Паспорт тадбиркорлик субъектига Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича берилади.

4. Шаҳар йўналишларидаги йўловчилар станциялари ва тўхтаб ўтиш пунктлари фаолиятини амалга ошириш учун паспорт олиш талаб қилинмайди.

5. Паспорт тадбиркорлик субъектига — юридик шахсга (кейинги ўринларда тадбиркорлик субъекти деб аталади) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

6. Паспорт амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

II. Рухсат бериш талаблари ва шартлари

7. Автовокзал (автостанция) фаолиятини амалга оширишда рухсат бериш талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

конун ҳужжатлари талабларига, ишларнинг белгиланган режимига ва технологик жараёнига, автотранспорт воситаларидан фойдаланишда, уларнинг экипировкаси бўйича экология талабларига тадбиркорлик субъекти томонидан мажбурий риоя этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

паспортда назарда тутилган йўловчиларнинг айнан бир вақтдаги сифмини, автотранспорт воситаларини бир суткадаги жўнаб кетишлари сонини таъминлаш;

автовокзал (автостанция)нинг тегишли мезонларига мувофиқ бўлган бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш хоналари ва ер участкалари, перронлар, технологик анжомларнинг мавжудлиги;

йўловчилар ва автовокзал (автостанция) ишларининг хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланиладиган махсус техника воситалари билан жиҳозланганлик, шу жумладан йўловчилар учун кутиш залларида, чипта кассаларида ҳамда йўловчилар кўп тўпланадиган бошқа жойларда видеокузатиш камераларининг ўрнатилганлиги, автовокзал (автостанция) периметри бўйича тўсиқларнинг, автовокзал (автостанция)га кириш-чиқиш жойларида шлагбаумларнинг мавжудлиги;

автовокзалларга кириш жойларида йўловчиларни ва уларнинг багажини текшириш учун турғун металл детекторлар билан жиҳозланган текшириш постларининг мавжудлиги;

ташувлар ва ёнғин хавфсизлиги, автотранспорт воситаларининг сақланиши, техника хавфсизлигига риоя этиш, рейсга чиқишдан олдин автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриги бўйича талабларни бажариш;

фақат лицензия карточкалари билан таъминланган автотранспортларга хизмат кўрсатиш;

автовокзал (автостанция)нинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда бу тўғрида Агентликни тегишли ўзгартиришлар қайта рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб етти иш кунидан кечикмай хабардор қилиш.

III. Паспорт олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар

8. Ариза берувчи паспорт олиш учун Агентликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

паспорт бериш тўғрисидаги ариза, унда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилади;

юрidik шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

маъмурий бинонинг, хизмат ва ишлаб чиқариш хоналарининг, иншоотлар ва ер участкаларининг жойлашиш схемаси билан бирга автовокзал (автостанция) кадастр режасининг нусхаси.

9. Тадбиркорлик субъектидан ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Паспорт олиш зарур бўлган ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан Агентликка бевосита, уларнинг олингани тўғрисидаги хабарнома билан бирга почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

11. Паспорт олиш учун Агентликка тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси Агентлик томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол тадбиркорлик субъектига берилади (юборилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва паспортни бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Агентлик тадбиркорлик субъектининг аризасини кўриб чиқади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилиб олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда паспортни беради ёки уни беришни рад этади.

Тадбиркорлик субъектининг паспорт бериш тўғрисидаги аризаси Агентлик томонидан кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Тадбиркорлик субъекти паспорт бериш тўғрисида тақдим этилган аризадан воз кечган тақдирда йиғим қайтариб берилмайди.

Агар Агентлик тадбиркорлик субъектининг паспорт бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш муддати мобайнида тадбиркорлик субъектига унга паспортни бермаса ёки беришни рад этмаса, у ҳолда ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунини ўтгач тадбиркорлик субъекти амалга ошириш учун паспорт олиш мўлжаллаган автовокзал (автостанция) фаолиятини, бу тўғрида Агентликни ёзма хабардор қилган ҳолда амалга оширишни бошлаш ҳуқуқига эга.

Ушбу банднинг учинчи хат бошида назарда ҳолатда, Агентлик тадбиркорлик субъектининг ёзма хабарномаси олинган кундан бошлаб беш иш кунини мобайнида унга паспорт беради. Паспорт олингунгача, улар қабул қилиб олинган сана тўғрисидаги белги қўйилган тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати ҳамда тадбиркорлик субъекти томонидан Агентликка юборилган ёзма хабарнома паспортга тенглаштирилади ва автовокзал (автостанция) фаолиятини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

13. Паспорт бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Агентлик автовокзал (автостанция) фаолият кўрсатиши хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган хизмат, маданий-маиший ва санитария-гигиена иншоотлари, техник кўриқдан ўтказиш постлари, йўловчиларни транспортга чиқариш ва ундан тушириш учун перронлар мавжудлигини ва уларнинг ҳолатини, тур-

ғун металл детекторлар билан жиҳозланганлигини, тўсиқлар, шлагбаумлар мавжудлигини ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган муддатда ўрганиб чиқади.

Ўрганиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, у Агентликнинг мансабдор ходими ва тадбиркорлик субъектининг раҳбари томонидан имзоланади, далолатнома паспорт бериш ёхуд паспорт беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асослардан бири ҳисобланади.

14. Агентлик тадбиркорлик субъектига паспортни беради (юборади) ёки паспорт беришни рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай ёзма шаклда уни хабардор қилади.

Паспорт берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва паспортларнинг бланкаларини тайёрлаш, автовокзал (автостанция)нинг фаолият кўрсатиш хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган хизмат, маданий-маиший ва санитария-гигиена иншоотлари, техник кўрикдан ўтказиш постлари, йўловчиларни транспортга чиқариш ва ундан тушириш учун перронлар мавжудлигини ва уларнинг ҳолатини, турғун металл детекторлар билан жиҳозланганлигини, тўсиқлар, шлагбаумлар мавжудлигини ўрганиш бўйича харажатларни молиялаштиришда фойдаланилади.

15. Паспортларнинг бланкалари қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланади, ҳисобга олиш тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади, Агентликнинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Паспортларнинг бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан Агентлик раҳбари жавоб беради.

16. Паспорт бериш қуйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

паспорт бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

тадбиркорлик субъектининг рухсат бериш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ ўтказилган ўрганишлар яқунлари бўйича асосланган салбий хулоса.

Паспорт беришни бошқа асослар, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

17. Паспорт беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги хабарнома тадбиркорлик субъектига, рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва тадбиркорлик субъекти кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (тақдим этилади). Тадбиркорлик субъекти рад этиш

сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат паспорт беришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

18. Паспорт беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, паспорт бериш ёки уни беришни рад этиш тадбиркорлик субъектининг рад этиш сабабларини бартараф этилгани тўғрисидаги аризаси ҳамда рад этиш сабаблари бартараф қилинганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

19. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ариза берувчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларининг Агентлик томонидан кўрсатилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабабларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

20. Паспорт беришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин тадбиркорлик субъекти томонидан берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва у Агентлик томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

21. Тадбиркорлик субъекти паспорт беришнинг рад этилиши, шунингдек Агентлик мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Паспортни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш

22. Тадбиркорлик субъекти қайта ташкил этилганда ёки унинг номи ёхуд жойлашган жойи ўзгарганда тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кунни мобайнида Агентликка паспортни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда бериши шарт.

Ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан Агентликка бевосита, уларнинг олингани тўғрисидаги хабарнома билан бирга, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Тадбиркорлик субъектидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

23. Паспортни қайта расмийлаштиришда Агентлик берилган паспортлар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Паспортни қайта расмийлаштириш ва бериш паспортни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги

ариза, тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Агентлик томонидан олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

24. Паспортни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳуқуқий вориси паспорт қайта расмийлаштирилгунгача унда кўрсатилган фаолиятни, ариза қабул қилинган сана ҳақидаги Агентлик белгиси қўйилган паспортни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза асосида амалга оширади.

25. Паспортни қайта расмийлаштирганлик учун йиғим тадбиркорлик субъектининг паспорт бериш тўғрисидаги аризаси Агентлик томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган йиғим суммасининг ярми миқдоридан ундирилади. Йиғим суммаси Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

26. Паспорт йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганда тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Агентлик паспорт дубликатини тадбиркорлик субъектининг аризаси, шунингдек паспорт яроқсиз ҳолга келганда — паспортнинг асл нусхаси ҳамда паспортнинг дубликатини бериш учун йиғимнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тўланганини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда бериши (юбориши) шарт.

Паспорт дубликати берилганлиги учун йиғим тадбиркорлик субъектининг паспорт бериш тўғрисидаги аризаси Агентлик томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган йиғимнинг ярми миқдоридан ундирилади.

VI. Паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

27. Паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

28. Қўйидагилар паспортнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилишига киради:

белгиланган тартибда Агентлик томонидан ўтказиладиган рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишлардан бош тортиш;

унинг учун паспорт берилган фаолиятни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш ёки бундай зарар етказишининг реал хавфини яратиш;

лицензия карточкалари билан таъминланмаган автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш;

йўловчиларнинг ва автовокзал (автостанция) ишларининг хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланиладиган махсус техника воситаларининг, шунингдек автовокзал (автостанция)да тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги.

VII. Берилган паспортлар реестри

29. Агентлик берилган паспортлар реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Берилган паспортлар реестрида тадбиркорлик субъектлари тўғрисида қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

тадбиркорлик субъектининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

паспортнинг берилган санаси ва рақами, автовокзал (автостанция)нинг тоифаси ёки класс;

паспортни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

паспортнинг амал қилишини тўхтатиш асоси ва санаси;

паспортни бекор қилишнинг асоси ва санаси;

паспорт дубликатларини беришнинг асоси ва санаси.

30. Паспортлар реестридаги ахборот унинг билан юридик ва жисмоний шахслар танишиши учун очиқ ҳисобланади.

Автовокзал (автостанция) паспортини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

AVTOVOKZAL (AVTOSTANSIYA) PASPORTI
ПАСПОРТ АВТОВОКЗАЛА (АВТОСТАНЦИИ)

№ _____

Pasport egasi: _____
Владелец паспорта

Avtovokzal (avtostansiya) nomi: _____
Наименование автовокзала (автостанции)

Pochta manzili: _____
Почтовый адрес

Bank rekvizitlari va STIR: _____
Банковские реквизиты и ИНН

Berilgan sanasi: _____
Дата выдачи

Pasport beruvchi organ: _____
Орган, выдавший паспорт

Berilganlik asosi: _____
Выдан на основании

Pasport reyestrda _____ -sonli raqam bilan qayd etildi.
Паспорт зарегистрирован в реестре за №

O'zbekiston avtomobil va daryo transporti
agentligi boshligi o'rinbosari _____

М.О' _____

М.П.

Vakolatli shaxsning imzosi

F.I.O.

Подпись уполномоченного лица

Ф.И.О.

Avtovokzal kategoriyasi (avtostansiya klassi): _____
Категория автовокзала (класс автостанции)

Avtovokzal (avtostansiya) bir vaqtdagi sig'imi _____ yo'lovchi.
Одновременная вместимость автовокзала (автостанции)

Avtostansiyadan bir sutkada jo'natiladigan avtotransport vositalari soni — _____
Количество отправок автотранспортных единиц в сутки с автостанции

Turgun metall detektor ramkasi yoki qo'l metall detektor mavjudligi _____
Наличие стационарного или ручного металлодетектора (mavjud, имеется)

Video kuzatuv kameralarning mavjudligi _____
Наличие камер видеонаблюдения (mavjud, имеется)

Avtovokzal (avtostansiya I klassi) haydovchilar uzoq vaqt dam olish honasi (mehmonhona) _____ o'rin.

Комната длительного отдыха водителей автовокзала (I класса автостанции) (гостиница) на мест.

Avtovokzal (avtostansiya I klassi) ona va bola honasi: _____ kv. m
Комната матери и ребенка автовокзала (I класса автостанции)

Yo'lovchilar uchun kutish zali: _____ kv. m
Зал ожидания для пассажиров

Yo'lovchilarni avtobuslarga o'tkazish va tushirish uchun perronlar soni — _____
Количество перронов для посадки и высадки пассажиров


Haydovchilarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish honasi _____ kv. m
Медицинский пункт для проведения медосмотра водителей

Avtovokzal (avtostansiya) ishlash tartibi: _____ dan soat _____ gacha.
Режим работы автовокзала с до

Sanitariya-gigiena va madaniy-maishiy honasi mavjudligi _____
Наличие культурно-бытовых и санитарно-гигиенической комнат (mavjud, имеется)

Автовокзал (автостанция) паспортини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Автовокзал (автостанция) паспортини бериш
СХЕМАСИ**



Автовокзал (автостанция) паспортини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғига**

**Автовокзал (автостанция) паспортини бериш тўғрисида
АРИЗА**

Сиздан _____
(жойлашган жойи, шунингдек почта манзили, агар фарқи бўлса)

_____ манзили бўйича жойлашган

_____ (тоифаси, класс) (паспорт талабгорининг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли)

_____ тоифа (класс)-
даги автовокзал (автостанция) паспортини беришингизни сўраймиз.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гу-
воҳномасининг нусхаси.

2. Маъмурий бино, хизмат ва ишлаб чиқариш хоналари, қурилмалар ва
ер участкалари жойлашган схемаси билан бирга автовокзал (автостанция)-
нинг кадастр плани нусхаси.

Раҳбар: _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

Сана: 20__ й. «____» _____